

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.Абдурахмонов Яшил рангнинг миллий шеъриятда ўзига хос ифодаси (испан ва ўзбек лирикаси мисолида)	79
О.Абобакирова Ўзбек болалар ҳикоячилигининг бадиий хусусиятлари.....	83
Д.Турдалиев Рус фольклоршунослигида анъанавий лингвистик формулалар.....	92
И.Ҳабибуллаев Хуршид Дўстмуҳаммад қиссаларида руҳий-психологик тасвир (“Нигоҳ” қиссаси асосида).....	98

ТИЛШУНОСЛИК

А.Муҳиддинов Нутқ актини биомолекуляр ва ментал кодлаштириш жараёнларининг изоморфлиги ва алломорфлиги	103
Р.Сайфуллаева, Ҳ.Ҳамроева Ўзбек рақс терминларининг лингвокультурологик таснифи.....	108
З.Акбарова Турли функционал услублардаги матнларда тил воситаларидан фойдаланган ҳолда оламни моделлаштириш.....	113
Н.Шарафутдинова Ўткир Ҳошимовнинг “Тушда кечган умрлар” асарида қўлланилган мифоним ва теонимлар таҳлили.....	118
Ў.Исламов Адабий тил - нутқ маданиятининг олий шакли.....	122
Л.Абдуллаева Аббревиация-ўзбек ва инглиз тилларида сўз ясаш усули сифатида.....	126

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

С.Абдурахмонов, Ш.Ибрагимов Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг ташкилий усуллари.....	129
У.Абдуллаева Чет тили бўйича кўникмаларни баҳолашда ёш хусусиятларига кўра ёндашув принциплари.....	134

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Ў.Омонова Алмаштириш операторларини қуришнинг композицион усули ҳақида.....	139
А.Раҳматжонзода Баъзи умумлашган гипергеометрик функцияларнинг интеграл кўринишини топиш масалалари.....	143
Б.Каримов, Р.Эргашев, А.Сирождинов Sn асосида шаффоф ўтказувчи электродлар.....	147
А.Урунов, С.Элмонов Тишли-ричагли механизмлардан тузилган комбинацион механизмнинг параметрларини асослаш ва кинематик текшириш	150
Д.Аббосова, А.Ибрагимов, О.Назаров Ephedra equisetina bunge ўсимлиги баргларида олинган эфир мойи таркибий қисмларининг ГХ-МС таҳлили.....	154
М.Ахмадалиев, И.Асқаров, Н.Юсупова, М.Икромова ЗФАМЭД смоласининг олиниши.....	158
С.Маматқулова, Ш.Абдуллаев, Р.Деҳқонов Helianthus tuberosus L. (Топинамбур) ўсимлиги илдиз мевасидан турли муҳитларда пектин моддасини ажратиш олиш ва функционал гуруҳларини аниқлаш.....	161

УДК: 8-1

ЯШИЛ РАНГНИНГ МИЛЛИЙ ШЕЪРИЯТДА ЎЗИГА ХОС ИФОДАСИ (ИСПАН ВА ЎЗБЕК ЛИРИКАСИ МИСОЛИДА)

ХАРАКТЕРНОЕ ОТРАЖЕНИЕ ЗЕЛЕНОГО ЦВЕТА В НАЦИОНАЛЬНОЙ ПОЭЗИИ (НА ПРИМЕРЕ ИСПАНСКОЙ И УЗБЕКСКОЙ ЛИРИКИ)

A CHARACTERISTIC EXPRESSION OF GREEN IN NATIONAL POETRY (ON THE EXAMPLE OF SPANISH AND UZBEK LYRICS)

А.Абдурахмонов¹

¹ А.Абдурахмонов

— ФарДУ, адабиётшунослик кафедраси ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация

Мақолада шеъриятдаги бадиий таъсир, миллий ўзига хослик тадқиқ этилган. Испан шоири Лорка ҳамда ўзбек шоири Шавкат Раҳмон шеърларида яшил ранг қиёсланади, шоир миллий ўзига хослиги рамзий ифодаланиши ёритилади.

Аннотация

В статье исследуется художественное воздействие поэзии и ее национальное своеобразие. Проводится сопоставление зеленого цвета в стихах испанского поэта Лорки и узбекского поэта Шавката Рахмона, освещается символическое отражение поэтами национального своеобразия.

Annotation

The article examines the reflection of the artistic influence of poetry in national identity. When comparing the poems of the Spanish poet Lorka and the Uzbek poet Sh.Rahmon, it is explained that green is symbolic in connection with the poet's attitude to the national mentality.

Таянч сўз ва иборалар: ранг, образ, символ, лирика, пейзаж, миллий менталитет, бадиий таъсир, пафос, яшил ранг, ифода.

Ключевые слова и выражения: цвет, образ, символ, лирика, пейзаж, национальный менталитет, художественное воздействие, пафос, зеленый цвет, экспрессия.

Key words and expressions: color, image, characters, lyrics, landscape, national mentality, artistic influence, pathos, green color, expression

Шеъриятда рангнинг образ яратишдаги аҳамияти беқиёсдир. Чунки ижтимоий-сиёсий зиддиятлар ва мураккабликларга бой бўлган воқеликнинг туб моҳиятини чуқурроқ англаб, эстетик жиҳатдан осонроқ тушунишда ранг воситасидан фойдаланиш кенг имкониятлар яратиш беради. “Ранг ўзида мураккаб табиий-маданий, эстетик-коммуникатив ва фалсафий-эстетик феномен намоён қилади. У жамиятнинг замонавий тараққиёт босқичида доимо кенгаяди ҳамда кўплаб ўзгаришларга учраб боради. Буларга қимматли, белгили, рефлексив, эмоционал-коммуникатив, этник, диний, сиёсий идентификацияланган бошқа бутун бошли қаторлар киради.” [1]

Шоирларнинг индивидуал ижодий тажрибаларидаги мавжуд рангга муносабатларини, А.М.Марченко таъкидлаганидек, “гап шунчаки ёрқин

бўёқдорликда эмас, аксинча рангга бошқача муносабат, ҳатто унга янгича ёндашув, “бошқача жаранг” берувчи “бўяш” нинг ўзгача усулида” [2,12] эканлигини аниқлаш орқали улар руҳий оламининг рангин манзарасини “кўра олиш” га имкон яратилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда фикр йўналишини аниқлашда, муаллифнинг рангга миллий менталитет ва шахсий муносабат тамойилида ёндашув керак. Рангнинг қандай фикрни ифодалашга йўналтирилиши индивидуал ҳодиса бўлганлиги боис у муаллифнинг миллий менталитети ҳамда шахсий муносабат хусусияти, шунингдек, ғоявий нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда услубий хусусиятларида ҳам фарқланади. Бундай вазиятда муаллифни айнан қайси ранглар орқали оламни тасаввур этишини англаш жуда муҳим нуқта ҳисобланади. Шу орқали

ижодкор дунёқараши ҳақида мавжуд тасаввурнинг ойдинлашуви ва асардаги бадиий тағқатламни чуқурроқ тадқиқ этишга кенг имконият юзага келади.

Маълум бир рангга муносабат шакллари минтақавий, диний-этиқодий ҳамда миллий менталитетга хос омилларга кўра бир-бирига яқин ёки бутунлай фарқланиши мавжуд ҳодисадир. Буни яшил ранг мисолида кўриш мумкин: “Маданият, санъат ва этнографияда яшил ранг ҳаёт ранги ҳисобланди. Энг аввало, бу ўсимликлардаги устувор ранг билан боғлиқ (хлорофилл пигменти борлиги ҳисобига). Яшил – ислом ранги. Жаннатнинг яшил боғларини ифодалайди. Яшил – эсперантлик ҳаракатининг ранги. “Яшил” (зелёный)– касбдаги янгиларни, ўргатилмаган одамнинг аташлари (маъносига кўра –тажрибасиз, ёш). “Яшилар” деб кўпинча экологик ҳаракатни аташади, жумладан, табиатни ҳимоя қилиш ташкилоти «Greenpeace» инглизчадан таржима қилинганда “яшил олам” ни англатади. Кўпгина жаҳон тилларида (айниқса, олтой тиллари оиласида, унга туркий тиллар ҳам мансуб) кўк ва яшил ажратилмайди (зарур бўлса, лўнда ранг ифодаси қўлланади). Япон тилида 青い (кўк) кўкка мойил барча рангларни ифодалайди, бунга яшил ранг ҳам киради. Хитой тилида 青 (талаффузи “цин”) ҳам кўк, ҳам яшил рангларни ифодалайди. Бу дастлаб ердан қазиб олинган маъданларнинг рангини ифодалаган белгининг этимологияси билан боғлиқ. Бунга азурит билан малахитни қиёслаш кифоя. Инк кипу ёзма ёдгорликларида яшил ранг - босқинчиликни: душманни ифодалаган ёки душманнинг ҳалок бўлган одамларининг миқдорини англатган”[3].

“Инсонлар амалда рангни табиий тавсиф сифатида бир хил кўрадилар. Аммо ранг компонентларининг англашув ва ифода аҳамияти қарама-қарши ёки ўзгача бўлиши мумкин (либоснинг оқ ранги Европа маданиятда покизалик, байрам, шодлик; Шарқда ўлим, мотам, аза (ҳинд, корейс халқларида) рамзларини ифодалайди. ...турли маданиятларида универсал абстракт тушунчалар ранг билан тўлдирилиши намоён бўлади, масалан: интизорлик рус тилида “яшил” (тоска – зелёная), инглиз тилида “кўк” (to feel blue).” [4]

Аён бўладики, биргина рангнинг ўзига муносабат шакллари ҳар бир минтақа, дин, халқларда ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Юқоридаги омиллар асосида бадиий адабиётда ҳам рангга муносабат шаклланиб, ўзига хос кўриниш олиб келмоқда.

Ҳар қайси иждоқор қалами олам тароватидаги рангларни қоғозда акс эттиришга ошуфта бўлиб келади. Гарчи табиатда етти асосий ранг бўлса-да, қаламкашлар улар воситасида даврлар оша етмиш минг жилони ифодалай олганликларига ҳеч шак-шубҳа йўқ. Шунинг учун рангларга мурожаатни ҳам адабиётдаги ўлмас мавзулар сирасига киритиш тўла асосли, адолатли ҳукм бўларди.

Бошқа мавзулар қатори шоирларнинг ўз ёки ўзга миллий адабиётдаги рангга муносабатдан бадиий таъсирланиш ҳолатларини кўплаб кузатишимиз мумкин. Аммо у асарида қўлланган айнан бир рангдан ўзининг миллий хосланган хусусиятларини намоён қилиши муҳим жиҳат бўлиб, пировард натижада унинг бундай асари фақатгина айнан шу иждоқор мансуб бўлган миллий адабиётнинг намунасига айлана олади. Яъни, муваффақиятли топилган бадиий ғоя таъсирланган иждоқорнинг “дилига туйиб юрган” дардларининг юза келишига туртки бўлишига сабаб бўлади. Лекин бунда миллийлик ва иждоқорнинг шахсий олами бош омил бўлиб қолиши тақозо этилади. Биз бундай ҳолатнинг бир рангга муносабат шаклларида кўплаб иждоқорлар ижодида кузатишимиз мумкин.

Биламизки, XX аср иккинчи ярми ўзбек шеърятининг кўзга кўринган вакилларида бўлган Шавкат Раҳмон ижодига испан шеърятининг, хусусан, Федерико Гарсио Лорка бадиий оламининг сезиларли таъсири мавжуд. Бу икки шоир ижодида яшил ранг ифодаланишининг ўзига хос, миллий муносабатини кузатишимиз мумкин.

Шоирларнинг яшил рангга мурожаати замирида олам ва одам, макон ва ўзлик хусусидаги тафаккур мушоҳадалари лирик кўзгуда аксини топади.

Лорканинг “Телвакезик романи” шеърида яшилликка чулғанган табиат тасвири кўз ўнгимизда гавдалана боради.

*Яшил, сени суйди, яшил.
Яшил шамол.
Яшил шоҳлар.
Денгизда бўш сузар қайиқ.
тоғда ўтлаб юрар от ҳам.
Белга қадар шомғи туман
Зулматиға чўкиб ўйлар,
Яшил сочли, яшил танли,
Нуқрадайн совуқ кўзлар.
яшил, сени суйдим, яшил.
Лўли моҳи қизарган чоғ,
бор нарсалар унга қарар,
у борлиқни кўрмас бироқ.*

Испанча қайсар оҳангда тизимлашган сатрларда пейзаж тасвири яшил “гризайл” билан тасвирланган таассурот туғдиради. Яшил ранг оламига шунчалар сингиб кетган лирик қаҳрамоннинг нигоҳи ҳаттоки яшил шоҳларга урилаётган шамолни ҳам яшил рангда кўради. Ўзининг лирик идеалини яшил танли лўли қиз сифатида гавдалантиради ва айнан шу яшил ранг воситасида руҳий драматизм тасвирини чизгилайди. Тунги табиат гўзаллиги шоирнинг ҳиссий картинасида ўзига хос образланади.

*Неча тунким кўргим келди,
Неча тунким панжарадай –
бир парча юз, қора танли –
боқди яшил панжарадан [5,107].*

Шавкат Раҳмоннинг “Жоду” шеърида ҳам айнан яшил рангнинг фалсафий-рамзий, табиий-эмоционал хусусиятлари уйқашланган чуқур руҳий драматик картинани кузатамиз.

Маълумки, “Жоду” шеърини Шавкат Раҳмон оғир касаллик туфайли умрининг сўнгги паллаларида ёзган. Бунда шоир олам ва одам ҳақидаги мушоҳадасини гўёки яшил ойна тутиб атрофга назар ташлаган кўйи ёзгандек таассурот уйғотади.

“Чалғиб қолдим Бир зумга – ногоҳ” жумлалари билан шоир нигоҳи қишки оҳори ранглардан бутунлай қайта жилоланиб кетган табиат қўйнига тушади. Табиатни яшил мўйқаламда Лоркага хос тасвир жиҳатлари сезилгандек бўлади. Лирик қаҳрамон руҳиятидан тус олган табиат манзарасининг тасвири каби Шавкат Раҳмон ҳам айнан яшил воситасида оламини кўради:

*Ялт-юлт этар ноёб сувратлар,
яшил...яшил...
вой, жоним яшил.
Амонатман бир ютим сувдай,
баҳор, яшил кўзларинг яшир! [6.261]*

Демак, биргина рангнинг ўзи драматизмни оширади, ғоявий ниятни ёрқин ёритилишини таъминлайди, шоир умрининг ўткинчилиги ҳақидаги фалсафий фикрни шакллантиради. “Сўз ўзида синергетик системага қўшиш мумкин бўлган турфа энергияни бирлаштиради (этимологик, эмпирик, ассоциатив в.б.) – “ўз имконияти” кучидан ҳаракатланади ва ривожланади, бир вақтнинг ўзида муҳит энергиясидан “озикланишга” қодир ва озиқланиб, муҳитга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатади”[7,9].

Сатрлардаги биргина яшил рангнинг маъно-моҳиятини ифодалашдаги куйидаги кўринишларини кузатамиз: **Сувратлар** яшил; **жон** яшил; **кўзлар** яшил тарзида **яшил** ранг образлар сифатини ифодалаб келади. Демак, ранг орқали учта тушунча бирлашади: **суврат**, **жон** ва **кўз**. Яшил ранг бу учала тушунчани уйғунлаштиради: **Борлиқ–борлик–идрок**. Бу уйғунлик яшил рангнинг хусусияти ва рамзий маъно-моҳиятига бадиий ғояни йўналтиргани билан характерланади.

Бадиий таъсир ижодкорлар фаолиятида муҳим ўринга эга бўлиш баробарида у ўзга ижодкор учун айнан кучирма бўлиб қола олмайди. Балки унинг таъсирида ўзга шоир оламидаги ўзгача руҳий ҳодисанинг инкишоф этилишига сабаб бўлиб қолади.

Қиёслаймиз: Лорканинг лирик қаҳрамони пессимистик руҳда “*Ошна, жуда ўлгим келар...*” деб хитоб қилади. Шавкат Раҳмоннинг Жодусининг лирик қаҳрамони ҳали ҳаётдан умидини узишни хоҳламаган, яшил ранг тимсолида гавдаланаётган тирикликнинг тотидан баҳраманд бўлишдек оптимистик характердаги шоир қарашларини ифода этади:

*Бир сескандим,
айтган сўзимдан,
тошдек оғир гуллари-да бот,
сездирмасдан асло ўзимга, хотирамни
безарди ҳаёт.*

Шавкат Раҳмон Жодусининг сатрларидаги шарқона фалсафий ифор, миллий руҳ ва менталлик қирралари диққатни тартади.

Эътиборли томони, Лорка яшил фондаги тун манзарасини пессимистик руҳдаги лирик қаҳрамон руҳияти ифодаси билан уйғунлаштириб берган бўлса, Шавкат Раҳмон эса айни “кун товланиб” турган

палладаги лирик қаҳрамоннинг оптимистик руҳиятини яшил ранг спектри орқали тасвирлайди.

Кўринади-ки, биргина яшил рангнинг ижодий-бадиий таъсири маълум бир ўхшаш нарса, ҳодисалар воситасида иккинчи бир ижодкорнинг ҳаётий мушоҳадасини ифодалашга асос бўлиб хизмат қилган. Лекин биринчи ижодкорнинг ижодий

тажрибасининг айнан такрори ёки кўчирмаси бўлиб қолмайди. Балки ўзга ижодкорнинг ўз олами, ўз руҳиятини инкишоф этишига бир туртки вазифасини бажаради. Буни Шавкат Раҳмоннинг қатор рангларга мурожаатларида такрор кузатишимиз ва шоир ижодида ўзига хос индивидуаллик миллийлик фонида жилоланишига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Адабиётлар:

1. Суздальцева С.Н. Значение черного цвета в европейской эстетико-хроматической традиции. Дисс...канд. философских наук. — М.: 2010.
2. Марченко А.М. Поэтический мир Есенина. Изд.2-е, доп. М.:1989. Интернет ресурс. Википедия. Зеленый цвет.
3. Мишенькина Е.В. Национально-специфическая характеристика концепта "свет-цвет" в русской и английской лингвокультурной картине мира. Автореферат дис...канд.филол.наук. — Ярославль, 2006. www.dissercat.com
4. Лорка. Телвакезик романи. (Шавкат Раҳмон таржимаси.) Ш. Раҳмон. Сайланма. — Т.: Шарқ. 1997.
5. Шавкат Раҳмон. Сайланма. — Т., 1997.
6. Мышкина Н.Л. Внутренняя жизнь текста: механизмы, формы, характеристики. Пермь., 1998. (Интернет ресурс)

(Тақризчи: А.Сабирдинов — филология фанлари доктори).